*Қишлоқ ва ислоҳот*

# «БОЙҚОЗОН»НИ БОЙ ҚИЛГАН ЕРНИНГ АСЛ ЭГАСИ



**Иқтисодий-ижтимоий юксалиш йўлидан бораётган Паркент туманидаги «Бойқозон» хўжалиги аъзолари ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, демакки, янада фаровонликка эришиш учун 1999 йилдан бошлаб деҳқоннинг ерга, мулкка, жамоа даромадининг муайян қисмига эгалик ҳуқуқини мустаҳкамлашнинг бош омили бўлган пай усулини танладилар**

ГОҲО инсон ўзи босиб ўтган йўлга назар ташлаб, паст-баландини таҳлил этиб, тегишли хулоса чиқариб олганидек, ҳар йили хўжаликнинг умумий аҳволини аввалги йиллардаги ҳолатига қиёслаб кўриш, қайси соҳаларда қандай силжишларга эришдиг-у, нималарда нуқсонларга йўл қўйдик, деб дилдан ўтказиш одат бўлиб қолган. Шу маънода олганда, истиқлол йиллари давомида қўлга киритилган натижалардан кўнглим таскин топгандек бўлади.

Аввало, ана шу ўтган вақт мобайнида хўжалигимиз аъзоларида ишга муносабат ўзгарганлиги, улар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар инсон учун эканлигини тушуниб етганликларидан оддий жамоа раҳбари сифатида қувонаман. Чунки, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган қатор фармонлар, қонун ва қарорларни рўёбга чиқара бориб, кам бўлмаяпмиз.

Сўзимнинг исботи учун аниқ мисолларга мурожаат қилмоқчиман. Мустақиллик йиллари мобайнида хўжаликда ғалла ҳосилдорлиги ўртача 65 центнерга, картошка 200 центнерга, сабзавот 250 центнерга, беда 130 центнерга кўтарилди. Хусусан, 1997 йилда 137 гектар майдондаги картошкадан 2740 тонна, 80 гектардаги сабзавотдан 1840 тоннадан зиёд ҳосил олинди. Шунингдек, маккажўхори, озуқа лавлагиси, пиёздан ҳам юқори ҳосил етиштирилди. Ҳатто биз учун ўта оғир келган, кўпгина экин майдонларини дўл уриб кетган 1998 йилда ҳам бу кўрсаткичлар пасайиб кетмади. Гектаридан 68 центнердан ҳосил олиб, давлатга 1400 ўрнига 1502 тонна ғалла топширилди. Шунингдек, 678 тонна ўрнига 691 тонна сабзавот, 3 минг 500 тонна ўрнига 4000 тоннага яқин чорва озуқаси тайёрланди.

Уч йилдирки, республикада картошка уруғчилигига ихтисослашган жамоа сифатида бу соҳадаги режани ортиғи билан бажариб келмоқдамиз. Вилоят хўжаликларига ўтган йили 1500 тоннадан зиёд Голландиядан келтирилган «Романа», «Диамант», «Санте», «Пикассо» ва ўзимизда етиштириладиган «Тўйимли», «Ақроб» навли уруғларни тайёрлаб бердик.

Чорвачилик соҳасида ҳам яхши натижага эришяпмиз. Ҳозирги пайтда фермаларда 1145 бош қорамол, 4 мингта қўй, 140та от, мингга яқин парранда парвариш қилинмоқда. 400 бош сигирдан 425та бузоқ, 2 минг бош қўйдан режадаги 2050 ўрнига 2200та қўзи олинди. Ҳар бир сигирдан сут соғиб олиш 1997 йилдагига нисбатан 100 килограммга, 1998 йилга нисбатан эса 67 килограммга кўпайиб, 2441 килограммга етди. Давлатга 140 тонна ўрнига 150 тонна гўшт, 950 ўрнига 976 тонна сут, 9 ўрнига 10 тонна жун сотилди. Мева, узум етиштириш борасидаги режалар ҳам бажарилди.

Ҳамма соҳалардан олинган ялпи даромад 280 миллион 946 минг сўмни, соф фойда эса 21 миллион 965 минг сўмни ташкил этди. Ҳар бир деҳқоннинг ўртача ойлиги 11 минг сўм, соғувчиники 25-30 минг сўмга айланди.

Қўлга киритилаётган бу натижалар эвазига ҳудудимиздаги 5та мактаб ўқитувчилари, техник ходимларини дон, сабзавот, чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаб келяпмиз. Кам таъминланган ва кўп болали оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш ҳам хўжалик бошқарувининг доимий эътиборида. Байрамларда уларни йўқлаш, пенсионерларга совғалар улашиш бизда қатъий одат тусига кириб қолди.




Хўш, биз бу имкониятларга қандай қилиб эришдик? Қисқача айтадиган бўлсак, буларнинг ҳаммаси ислоҳотларнинг шарофатидир. Шу ўринда Президентимизнинг халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг сессиясида айтган бир гапларини эсламоқчиман. «Тошкент вилояти ўзининг улкан салоҳияти, имкониятлари, табиий бойликлари ва меҳнаткаш халқи билан мамлакатимизда алоҳида ўрин эгаллайди».

Дарҳақиқат, иқтисодиётни юксалтириш, ижтимоий масалаларни ҳал этиш, ёшлар маънавиятини шакллантириш, қишлоқда инфратузилмани ривожлантиришга фақат ана шундай кишиларгина қодир эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Энг мураккаб муаммоларни ҳал этиш ана шундай кишиларнинг қобилияти, ташкилотчилигига боғлиқлигини бизнинг хўжалигимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Улар ислоҳотларни тобора чуқурлаштириб, «Бойқозон»нинг еридан, сувидан, боғ-роғларидан унумли фойдаланиб, дала меҳнаткашлари турмушини йилдан-йилга яхшилашга, хўжалик моддий базасини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Улар асосан, серғайрат ва ташаббускор ёшлар ҳамда катта ҳаётий тажриба орттирган малакали кадрлар бўлиб, ўзларига топширилган тармоқларда эл ишончини оқламоқдалар. Бу борада жонбозлик кўрсатаётган Садир Орзиев, Тўлқин Исломов, Баҳодир Мирашуров, Ўктам Исломов каби бош мутахассисларнинг, Тўхтахўжа Саидаъзамов, Шаҳобиддин Мирасилов, Анвар Ниёзхўжаев, Ўринбой Нишонов, Мақсуд Эштоев сингари бригада бошлиқлари ва оила пудратчиларининг меҳнати ҳар қанча олқишга лойиқдир.

Муваффақиятларни таъминлаган иккинчи омил ерга бўлган муносабатимизни тубдан ўзгартирганимиздир. Биз тупроқшунос олимлар билан мустаҳкам амалий ҳамкорлик ўрнатганмиз. Қайси майдоннинг ҳолати қандай экинни кўтаради, такрорий экишга қуввати етадими йўқми, ер қайси ўғитга эҳтиёж сезяпти, буларнинг ҳаммаси ҳақида ҳар йили аниқ маълумотга эга бўлиб иш юритилмоқда. Энг муҳими «ерни алдаб бўлмайди, алдаган одам ҳеч қачон барака топмаган», деган қоида деҳқонларимизнинг шиорига айланган. Шунингдек, оила пудратига ўтилиб, мулк ўз эгасини топганлиги учун меҳнат унумдорлиги, хусусан, ҳосилдорликнинг кескин ошишини таъминлади. Одамлар бу усулда ишлашса, даромадлари кўпайишига ишонч ҳосил қилдилар. Масалан, 1998 йил якунига кўра деҳқончилик ва боғдорчиликда меҳнат қилган Шаҳобиддин Мирасилов 94 минг 300 сўм, соғувчи Анора Алимбоева 128 минг сўм, Мавлуда Абдуллаева 142 минг сўм, Анвар Илёсхўжаев 81 минг сўм даромад қилдилар. Тракторчи Арсен Аблязовнинг даромади 117 минг сўмни ташкил этди. Бундан ташқари, улар ғалла, ун, ёғ ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаб турилди. Айни пайтда, ер эгалари билан хўжалик ўртасида тузилган шартнома шартларини бажариш интизомга изчил риоя қилганлигимиз туфайли, маҳсулот етиштириш кўпайди, сифати яхшиланди. Шартномачи-деҳқон режадагидан ортиқча маҳсулотига ўзи эгалик қилиши учун имкон берилганлиги ҳам рағбатлантирувчи омил сифатида унинг меҳнатига барака киритди.

Маълумки, техника деҳқоннинг ҳамиша қаноти бўлиб келган. Хўжаликда 5та комбайн, 62та трактор, 32та юк машинаси ва бошқа воситалар бор. Улар қачон, қайси мавсумда бўлмасин ўз ишини бажариб бўлиши билан дарҳол созлашга қўйилади. Таъмирловчиларига яратилган имтиёзлар — бепул овқат, устама мукофотлар, уй-жой қуриш учун ер билан навбатдан ташқари таъминлаш чоралари техниканинг йил бўйи шай ҳолда туришини таъминламоқда.

Яқинда биз жамоа йиғилишининг умумий қарори билан мулкчиликнинг ширкат шаклига ўтдик. «Ширкат хўжалиги тўғрисида»ги қонунга мувофиқ қатор Низомлар ишлаб чиқилди. Шу кунгача жамоа аъзолари бўлиб келган 902 кишига яқинда пай гувоҳномалари тарқатилади. Энди дала меҳнаткашлари йил давомида ойлик маошдан ташқари меҳнатларига қараб дивидендга ҳам эга бўладилар. Мулк шаклининг ўзгариши туфайли одамларда тафаккур ҳам ўзгармоқда. Ишга онгли муносабат кучаймоқда. Демак, қанчалик кўп даромад қилиш ҳар бир кишининг ўзига боғлиқ бўлиб қолди. Ислоҳотлар яратиб берган имтиёзларнинг моҳияти ҳам ана шунда.

***Тоҳир ХОЛТОЕВ,***
***хўжалик бошқаруви раиси.***

## УЙЛИ, ЖОЙЛИ БЎЛДИК

***ХЎЖАЛИГИМИЗ уч йил мобайнида юздан ортиқ хонадон эгаларига уй-жой қуриш учун ер участкалари ажратди.***

Бир қатор дала меҳнаткашларига эса шартномага мувофиқ хўжалик қурилиш бригадаси томонидан янги уйлар қуриб берилганди. Булар қатори мен ҳам бошпанали бўлиб қолдим.

Тўғрисини айтсам, шартнома асосида қуриб берилган уйлар ҳаражатларини қоплашга келганда, айрим оилалар тўй ва бошқа тадбирлар ўтказганлари туфайли қўллари калталик қилиб қолганди. Ўтган йили эса жамоа умумий йиғилишининг қарори билан кўпчиликка уйлар бепул хусусийлаштириб берилди.

Эндиликда бу хонадонларда истиқомат қилаётган Аҳрор Умаров, Отахўжа Тўхтаев, Шохоб Марасулов, Сабриддин Ҳайитов, Дониёр Эгамбердиев, Ориф Акромов, Фатҳиддин Рисқиевларнинг оилалари ўзларига берилган бундай имтиёзни самарали меҳнатлари билан оқламоқдалар.

***Отақўзи ТЎХТАЕВ, ширкат***
***хўжалиги аъзоси.***



## ЮТУҚ ТАНЛАНГАН ЙЎЛГА БОҒЛИҚ

*ҲАЁТИЙ тажрибадан шу нарса маълумки, ҳар қандай хўжаликнинг оёққа туриши, жамоа аъзоларининг фаровон яшаши, аввало, раҳбарга боғлиқ. Президентимиз бу масалага барча йиғинларда ҳамиша катта эътибор бериб келмоқдалар. Куни кеча Хоразмда бўлиб ўтган сессияда ҳам раҳбарнинг масъулияти, фидойилиги, инсоний фазилатлари алоҳида аҳамиятга эга эканлиги яна бир бор таъкидланди. Албатта, оёғи ердан узилган раҳбар халқ ҳурмати, ишончидан маҳрум бўлади. Охир оқибатда умумий манфаатга путур етади.*

Шу жиҳатдан олганда, хўжалигимизни билимдон ёшлар бошқараётганликларидан қувонаман. Бизда ислоҳотларни ҳарким ўзидан бошлаган. Бу йил мулк шаклини ўзгартириб, ижара хўжалигидан ширкат хўжалигига ўтишимиз муносабати билан чақирилган йиғилишда бошқарув аъзоларининг ҳар бири ҳақида мажлис қатнашчиларининг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Қайси соҳа кишилари сўзга чиқишмасин, кадрларнинг камтарликлари, иш учун жой куйдиришларини «Мен шу хўжалик учун нима бердим, нима ярата олдим?» деган руҳ билан яшаётганликларини, юриш-туришда, ўзаро муомалада самимийликларини қайд қилиб ўтишди.

Биз вақти-вақти билан касаба уюшма йиғилишларида раҳбар ходимлар, бригада бошлиқларининг ҳисоботларини эшитиб турамиз. Хусусан, ўтган йили ва 1999 йилнинг 1 чораги давомида Ботир Раҳимов, Баҳром Эргашев, Эгамберди Йўлдошев, Абдуғани Алматов, Ваиз Алматов, Мақсуд Шарипов, Қобил Ҳусанов, Ўткир Орзиевларнинг ўзлари масъул бўлган тармоқларда меҳнат кишиларига яратилган шарт-шароитлар, мактабларга оталиқ ёрдамининг ташкил этилиши, ердан оқилона фойдаланиш, техникани авайлаб-асраш, етиштирилган маҳсулотни сифатли сақлаш, сув йўлларини тозалаш, минерал ўғитлардан тўғри фойдаланиш, кузги тадбирларнинг бориши, баҳорги юмушлар билан боғлиқ ишлар юзасидан ахборотларини эшитдик.

Ҳамжиҳатлик, ҳозиржавоблик, ишга ҳалол муносабат, масъулиятни ҳис қилиш каби фазилатлар бошқарув аъзоларига нисбатан самимий ҳурматни оширмоқда.

***Тожибой ҲАЙИТМАТОВ,***
***хўжалик касаба***
***уюшмаси қўмитасининг***
***раиси.***





**Суратларда: ширкат хўжалиги ҳаётидан лавҳалар.**
**Владимир ГРАНКИН олган суратлар**

## БУНЁДКОРЛИК ЙИЛЛАРИ

*ИСТИҚЛОЛ йиллари ичида хўжалигимизда қатор кичик корхоналар, маиший хизмат шохобчалари қурилиб, фойдаланишга топширилди ва бошқа қўшимча иш жойлари ташкил этилди.*

Илгари маҳаллаларимизда бир неча сув тегирмонлари қурилган бўлса, уч йилдан буён кунига 20 тонна ун ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган катта тегирмон аҳолига хизмат қилмоқда.

Шунингдек, хўжалигимизда 3 минг тонна маҳсулот сиғадиган совуқхона ва мева қуритиш цехидан ҳам унумли фойдаланиляпти. Хом ғишт цехи ишга тушиши эса хўжаликда уй қураётганларга катта қулайлик бўлди. «Бойқозон»ликлар эндиликда хонадонларига ташриф буюрган меҳмонни хўжалик жувозхонасида тайёрланган махсар ёғидан ош дамлаб сийлаш имконига эга бўлдилар. Бу йил шу ўсимлик экиладиган майдонларни кенгайтириб, жувозхона ускуналарини такомиллаштириш ҳам режалаштириб қўйилган.

Хўжалик қиёфаси тобора кўркамлашмоқда. Замонавий уйлар, мактаблар, клуб, ровон кўчаларда жойлашган савдо шохобчалари, ошхона, сартарошхоналар, ҳаммом ҳамиша аҳоли хизматида.

***Баҳодир МИРАШУРОВ,***
***тижорат ишлари***
***бўйича бош***
***мутахассис.***

## МИННАТДОРМИЗ

***МАКТАБИМИЗ «Бойқозон» хўжалигига яқин жойлашган. Бирон йил йўқки, хўжалик раҳбарияти биноларимизни таъмирлашга, жамоани қўллаб-қувватлашга ёрдам бермаган бўлсин. Етиштирилаётган ғалла, мева ва сабзавот ҳосилидан ўқитувчиларимиз ҳамиша баҳраманд.***

Бундан ташқари байрамларда, ўзимиз ташкил қиладиган турли тадбирларда эҳтиёжимиз юзасидан мурожаат этсак, ҳамиша илтимосимиз қондирилади. Бу ғамхўрликни, айниқса, ўқув йили бошланганида яққол ҳис этдик. Ночор оилалар фарзандларига дарсликлар, бошқа ўқув воситалари сотиб олишда жамоа бошқарувининг мадади катта бўлди. 1-, 2-синф болаларини иссиқ овқат билан таъминлаш ҳаражатлари ҳам шу хўжалик ҳисобидан қопланмоқда.

Яқинда «Бойқозон» ширкат хўжалигига айланиши муносабати билан мактабимизга ҳам пай улуши ажратилди. Бу ташаббус раҳбарларнинг ўзидан чиққанлигидан, айниқса, миннатдормиз. Йиғилишда бизни қўллаб-қувватлаб сўзлаганларнинг «Фарзандларимиздан ҳеч нарсани аямаймиз, улар учун ҳар қанақа ёрдамга тайёрмиз», деган сўзларини эшитиб, кўнглимиз янада кўтарилди. Зеро, хўжалик аъзолари билан мактабимизнинг бу тарздаги ҳамкорлиги кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ифодаланган тамойиллар сирасига киради.

Бундай эътиборга жавобан, муаллимларимиз ёш авлод тарбиясига янада масъулият билан ёндошмоқдалар. Уларга чуқур билим бериш, дунёқарашини кенгайтириш, ўқувчиларда юксак маънавий фазилатларни шакллантиришга интилмоқдалар.

***Ғанибой АДАШЕВ,***
***30-мактаб директори.***

## РАҚАМЛАР МАЗМУНИ

- ХЎЖАЛИКНИНГ экин майдони 1523 гектар бўлиб, унда ғалла, картошка, сабзавот ҳамда озуқа экинлари етиштирилади.
- КЕЙИНГИ икки йил мобайнида узумзорларни, мевали боғларни янгилашга алоҳида эътибор берилди. Бу йил соҳибкорлар 310 гектар майдондан 2 минг тонна ҳосил олиш ниятида токзорларда ишларни бошлаб юбордилар.
- ЎТГАН йили биргина чорвачиликнинг ўзидан 18 миллион сўмдан зиёд даромад келди.
- «БОЙҚОЗОН»ликлар 1998 йилда 239 миллион сўмликдан кўпроқ турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқардилар.
- ШИРКАТ хўжалигида соф фойданинг 30 фоизи дивидендга ажратиладиган бўлди.
- ХЎЖАЛИК махсардан ишлаб чиқарилган ёғ билан ўз пайчиларини тўла таъминламоқда.
- БОШҚАРУВ йўлланмаси билан 12 нафар талаба республикамиз олий ўқув юртларида турли ихтисосликлар бўйича билим олмоқда.

***Саҳифа материалларини Саидвали ҲАСАНОВ тайёрлади.***

